

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СИРДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ 03-38-20-СОНЛИ
А Ж Р И М И**

2020 йил май ойининг 12-куни, жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносидан, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг судьяси А.Курамамов, ҳайъат судьялари О.Маннатов ва С.Расуловдан иборат таркибда, О.Абдиевнинг котиблигида, тарафлардан Сирдарё вилоят прокуратураси судларда жиноят ишларини кўришда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори И.Ачилов, жабрланувчининг қонуний вакили Х.Хxxxxxxxxxxxx, оқланган шахс Х.Хxxxxxx ва унинг ҳимоячиси адвокат О.Қурбоновнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2020 йил 12 февралдаги ҳукмига кўра:

Хxxxxxx Хxxxxxxxxxxxx Хxxxxxxx хxxx (Хxxxxxx Хxxxxxxxxxxxx
Хxxxxxxxx хxxxx), [REDACTED]

[REDACTED] туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси,
маълумоти тугалланмаган олий, [REDACTED]

[REDACTED]

[REDACTED] яшайди, эҳтиёт чораси сифатида “гаров” кўлланилганга нисбатан чиқарилган ҳукми устидан Гулистон шаҳар прокурори томонидан берилган апелляция протестига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2020 йил 12 февралдаги ҳукмига кўра, Хxxxxxx Хxxxxxxxxxxxx Хxxxxxxx хxxxxнинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, айбсиз деб топилиб, оқланган.

Суд ҳукмига кўра, дастлабки тергов органи томонидан Хxxxxxx Хxxxxxxxxxxxx Хxxxxxxx хxxx 2019 йил 20 сентябрь куни соат 22:30 ларда фуқаро З.Қурбоновага тегишли “Кобалт” русумли, 20 L997 DA давлат рақамли автомашинада Янгиер шаҳар, “Т.Малик” МФЙ ҳудудидан кесиб ўтувчи “Пахтакор” кўчасида ҳаракатланиб келаётган вақтда, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 3-бандидаги “Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати қоидалари тўғрисида”ги Қонуни, ушбу қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари”, 11-банди 4-қисмидаги “Ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айникса болалар, ногиронлар, қарияларга ва



велосипедчилар”га нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши ва 77-банди 3-қисмидаги “Ҳаракатланишда ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташини таъминлайдиган даражада камайтириш чорасини кўриши” кераклиги ҳақидаги қоидаларга риоя қилмай, йўлнинг пиёдалар ўтиш қисми яқинида йўлни чап томон четки қисмидан ўнг томонига ўтаётган пиёда Садовников Иван Ивановични автомашинасининг олд ўнг томони билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этганлиги, оқибатда жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлиб, жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Прокурор томонидан берилган проестда, биринчи босқич суди томонидан суд тергови тўлиқ ўтказилмаганлиги, иш юзасидан кўшимча комиссия ва комплекс экспертизалар тайинланганлиги, зарур бўлишига қарамасдан тегишли мутахассисларни сўроқ қилиш чоралари кўрилмасдан, Судга оид автотехник экспертизасининг 21.10.2019 йилдаги 772/13.1-сонли хулосасини номақбул далил деб, Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Сирдарё вилоят бўлимининг 927/13.1-сонли судга оид комиссиявий автотехник экспертизаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказининг 28.01.2020 йилдаги суд автотехник экспертизаси бўйича хулосаларини мақбул далил сифатида этироф этган бўлсада, бироқ суд ҳукмида ушбу далилларни мақбул эканлигини асослантирмаганлиги ҳақида важлар келтирилиб, жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2020 йил 12 февралдаги ҳукмини бекор қилиб, судланувчи Ххххххх Хххххххххххх Хххххххх ххххга нисбатан айблов ҳукми чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати, судья С.Расуловнинг маърузасини, прокурор И.Ачиловнинг протестни қаноатлантириб, биринчи босқич судининг ҳукмини бекор қилиб, судланувчи Х.Хххххххга нисбатан айблов ҳукми чиқариш ҳақидаги, жабрланувчининг қонуний вакили Х.Хххххххххххх, ҳимоячи О.Қурбонов ва судланувчи Х.Хххххххнинг протестни рад қилиб, биринчи босқич судининг ҳукмини ў кучида қолдириш ҳақидаги музока фикрларини, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, протестдаги важларни иш материаллари асосида таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмини ўзгаришсиз, протестни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни баргараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 07-сонли Қарорининг 16-бандида, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов



ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги, шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши назарда тутилган.

Қонун мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан жинойий жавобгарлик, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш одам ўлишига сабаб бўлганда юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қарорининг 8-бандида:

-жиноят кодекси 260-263, 266, 268, 269-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг зарурий белгиси содир этилган ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш ёхуд жиноят қонунида кўрсатилган бошқа қоидаларнинг бузилиши билан келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш борлиги ҳисобланади. Ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкинлиги;

-шуни назарда тутиш лозимки, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш транспорт воситасини бошқариш тартибига доир белгиланган кўрсатмаларга риоя этмасликда (масалан, белгиланган ҳаракатланиш тезлигини ошириш, йўл белгиларига риоя қилмаслик, ҳаракатланишнинг қарама-қарши томонига чиқиб кетиш ва шу кабиларда) ифодаланади. Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш эса, транспорт воситаларидан фойдаланиш тартибига доир белгиланган кўрсатмаларга риоя этмасликда (масалан, ногабарит юкларни ёки йўловчиларни бунга мўлжалланмаган транспорт воситасида ташиш, транспорт воситаси бошқарувини шу воситани бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсга топшириш ва шу кабиларда) ифодаланиши;

9-бандида судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, йўл-транспорт ҳодисаси сабабларини текширишда йўл ҳаракати ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг қайси бандлари бузилганлигини ва улардан қайсилари ЖК 266-моддасида назарда тутилган оқибатлар билан сабабий боғланишда бўлганлигини аниқлаш зарурлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи босқич суди, юқоридаги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида берилган раҳбарий тушунтиришларга амал қилган ҳолда, Х.Хххххххнинг ҳаракатида ЖКнинг 266-моддасида назарда тутилган жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланган ҳаракатланиш қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ қоидабузарлик аломатлари аниқланмаганлигидан келиб чиқиб, қуйидагиларга кўра Х.Хххххххни айблаш ҳақидаги жиноят ишини унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, Ўзбекистон



Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан ҳаракатдан тугатиб, реабилитация қилиб, тўғри хулосага келган.

Жумладан, дастлабки тергов органи томонидан Х.Хxxxxxxxнинг воқеани олдини олиш имкониятига эга бўлган-бўлмаганлиги юзасидан судга оид автотехника экспертизаси тайинланган.

Бироқ, экспертиза тайинлашда тергов органи томонидан марҳум И.Садовниковнинг йўлни чап томон четки қисмидан ўнг томонига ўтаётганида, Х.Хxxxxxxx пиёда Садовников Иван Ивановични автомашинасининг олд, ўнг томони билан уриб юбориб, унинг ўлимига сабаб бўлганлиги қайд этилиб, шу ҳолатда воқеани олдини олиш имкониятига эга бўлган бўлмаганлиги юзасидан саволлар қўйилган.

Вахоланки дастлабки суриштирув даврида Х.Хxxxxxxx, гувоҳ И.Тожибоев ёки бошқа гувоҳларнинг марҳум И.Садовников йўлни чап томон четки қисмидан ўнг томонига ўтаётганлиги ҳақида кўрсатувлари мавжуд эмас.

Судга оид автотехника экспертизаси ўз ўзидан дастлабки тергов органи томонидан қайд этилган ҳолатдан келиб чиқиб, 2019 йил 21 октябрдаги 772/13.1-сонли хулосасида пиёда йўлнинг катнов қисми четидан йўлни кесиб ўтишни бошлаган вақтида “Кобалт” русумли, 20 L 997 DA рақамли автомашина урилиш жойидан 180,2 метр узоқликда бўлганлиги ҳамда 50 км/соат тезликда ҳаракатланиб келаётган “Кобалт” русумли автомашина ҳодиса шароитида тормозлаш билан тўхтатиш йўли 31,0 метрни ташкил этиши, шунингдек ҳайдовчи Х.Хxxxxxxx йўлни кесиб ўтаётган пиёдани 34,2-35,3-36,3 метр ва ундан узоқ масофадан кўрган заҳоти бошқарувидаги 50 км/соат тезликдаги “Кобалт” русумли автомашинани кескин тормозлаш билан тўхтатиб, йўл транспорт ҳодисасини олдини олиш имкониятига эга бўлганлиги, ҳайдовчи Х.Хxxxxxxx эса имкониятга эга бўла туриб, ҳодисани олдини олмасдан “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 3-қисм талабларига зид ҳаракат қилганлигини қайд этган.

Биринчи босқич суди, судда сўроқ қилинган Х.Хxxxxxxxнинг автомашинани йўлда бошқариб бораётганида фуқаро Садовников Иван йўлнинг ўнг томон четидан чиқиб келганлиги, уни тахминан 3-4 метр масофадан кўрганлиги, у рулни чап томонга бурганида ҳам И.Садовников ҳаракатланишда давом этганлиги сабабли тўқнашув содир бўлганлиги;

-гувоҳ И.Тожибоевнинг 2019 йил 20 сентябрь куни Х.Хxxxxxxxнинг бошқарувидаги автомашинада Янгиер шаҳар, Т.Малик МФЙ ҳудудидан кесиб ўтувчи Пахтакор кўчасидан ҳаракатланиб кетаётган вақтида фуқаро И.Садовников йўлнинг уларга нисбатан ўнг томонидан чиқиб қолганлиги ҳақидаги кўрсатувларидан келиб чиқиб, судга оид комплекс экспертизаси тайинлаб тўғри хулосага келган.

Жумладан, суд автотехника экспертизаси бўйича давлат суд экспертнинг 2020 йил 28 январдаги 29/15(520)13.1 Z/1070-сонли хулосасида “Кобалт” русумли автомашинанинг 50-60-70 км/соат тезликдаги тўхташ масофалари тегишлича 31-40, 3-50, 8 метрни ташкил қилиши ва бу масофа пиёда чиққан вақтида ҳайдовчи кўриб қолган узоқлик масофаси 3-4 метрдан катталиги, демак ЙТХ вазиятида “Кобалт” русумли, 20 L 997 DA давлат рақамли автомашина



хайдовчиси ўз вақтида кескин тормоз бериш йўли билан 3 - 4 метр масофада автомобилни тўхтатиб қолиш имконига эга бўлмаганлиги қайд этилган.

Хусусан, “Кобалт” русумли, 20 L 997 DA давлат рақамли автомашина тўкнашув натижасида олд ўнг томони аралаш шикаст олган бўлиб, ўнг ён орқа томонни кўрсатувчи ойнаси ҳам шикастланганлиги, мархум И.Садовниковнинг тан жароҳатлари ҳам унинг ўнг томонидан олинган бўлиб, тўкнашув вақтида И.Садовников автомашинага нисбатан ўнг томонда жойлашганлигидан далолат беради ва ушбу ҳолатлар Х.Хххххххх ва гувоҳ И.Тожибоевларнинг кўрсатувларига мосдир.

Бундан ташқари, апелляция инстанция судида сўралган:

-оқланган Х.Хххххххх автомашинасида Янгиер шаҳар Митти шаҳарчадан келиб, чорраҳадан чапга бурилиб, Бобур маҳалласига қараб ҳаракатланиб бораётганида фуқаро Садовников Иван йўлнинг ўнг томон четидан чиқиб келганлиги, уни тахминан 3-4 метр масофадан кўрганлиги, у рулни чап томонга бурганида ҳам И.Садовников ҳаракатланишда давом этганлиги сабабли тўкнашув содир бўлганлиги ҳақида кўрсатув берди.

-гувоҳ И.Тожибев 2019 йил 20 сентябрь куни кечаси соат 22 ларда Х.Хххххххх билан унинг автомашинасида Янгиер шаҳар Митта шаҳарчадан келиб, Пахтакор кўчасидаги чорраҳадан чапга бурилиб, Бобур маҳалласига қараб йўлнинг иккинчи чизиғида кетаётганларида уларга қарама-қарши йўналишда пиёда келаётганлигини кўрганликлари, пиёдага яқин қолганида пиёданинг оёғи чалкашиб уларнинг йўлига чиқиб кетди, бу ҳолат жуда тез содир бўлганлиги ҳақида кўрсатув берди.

-мутахассис, Х.Сулаймонова номидаги Республикаси суд экспертиза маркази давлат суд эксперти 3.Сайфутдинов, ўзи томонидан берилган экспертиза хулосаси тўғрилигини тасдиқлаб, “Кобалт” русумли автомашинанинг 50-60-70 км/соат тезликдаги тўхташ масофалари тегишлича 31-40, 3-50, 8 метрни ташкил қилиши ва бу масофа пиёда чиққан вақтида хайдовчи кўриб қолган узоқлик масофаси 3-4 метрдан катталиги, демак ЙТХ вазиятида “Кобалт” русумли, 20 L 997 DA давлат рақамли автомашина хайдовчиси ўз вақтида кескин тормоз бериш йўли билан 3 - 4 метр масофада автомобилни тўхтатиб қолиш имконига эга бўлмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Шунингдек, биринчи босқич суди юқоридагилардан келиб чиқиб, тергов органи томонидан саволлар қўйилиб олинган суд автотехника экспертизасини 2019 йил 21 октябрдаги 772/13.1-сонли хулосасини инобатга олмасдан тўғри хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 187-моддасида, экспертнинг хулосаси суд учун муқаррар далилий кучга эга эмаслиги, хулосага қўшилмаслик асослаб берилиши лозимлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрь кунидаги “Йўл ҳаракати қоидалари” тўғрисидаги 370-сонли Қарорининг 4-бандида, йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари кераклиги қайд этилган.

Судда аниқланган ва жиноят иши юзасидан тўпланган асосли далилларга кўра, Х.Хххххххх “Кобалт” русумли, давлат рақами 20 L 997 DA бўлган



автомашинада белгиланган тартибда ҳаракатланиб келган бўлиб, ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмаган.

“Йўл ҳаракати қоидалари” тўғрисидаги 370-сонли Қарорининг 77-банди 3-қисмида, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги назарда тутилган.

Жиноят иши материалларида Х.Хххххххнинг марҳум И.Садовниковни уриб юбормаслик чораларини кўриш имкони мавжуд бўлган даражадаги масофадан кўрганлиги, унга хавф туғдирмайдиган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўришга имкони бўлганлиги, марҳум И.Садовников йўл ҳаракати қоидаларига мос равишда пиёдалар учун ажратилган йўлакдан ҳаракатланганлигини исботловчи далиллар йиғилмаган ва бу ҳолатлар апелляция инстанцияси судида ҳам аниқланмади.

Судлов ҳайъати, мазкур жиноят иши юзасидан Янгиер шаҳар ИИБ Тергов бўлими терговчиси томонидан жиноят иши фақатгина бир томонлама Х.Хххххххни айблаш йўсинда олиб борилиб, иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш чоралари кўрилмаган ҳамда биринчи босқич суди томонидан оқлов ҳукми чиқарилиб қонуний, асосли ва адолатли тўхтамага келинган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, юқоридагиларга кўра суд ҳукмини бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83, 490, 493, 496, 497¹¹, 497¹³, 497¹⁶, 497¹⁸-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2020 йил 12 февралдаги ҳукмига кўра, **Ххххххх Хххххххххххх Хххххххх хххх** (Хххххххх Хххххххххххх Хххххххх хххххх)нинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли, айбсиз деб топиб, оқлаш ҳақидаги ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Прокурорнинг протести рад қилинсин.

Раислик қилувчи
Ҳайъат судьялари

(имзо)

А.Кураматов

(имзо)

О.Маннатов

(имзо)

С.Расулов

“Ажрим” нусҳаси аслига тўғри
Виляятсудинингсудьяси

С.Расулов

